

**Мардонов Боходир Бахронович,**  
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти  
«Рақамли иқтисодиёт» кафедраси доценти  
**Абруев Абдумалик Ойназарович,**  
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти  
II-курс магистранти

## ПОСТИНДУСТРИАЛ ЖАМИЯТДА КАМБАҒАЛЛИКНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ

УДК: 658.64+331.01

---

### **МАРДОНОВ Б.Б., АБРУЕВ А.О. ПОСТИНДУСТРИАЛ ЖАМИЯТДА КАМБАҒАЛЛИКНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ**

Мақолада камбағалликни келиб чиқиш сабабларини жамиятдаги муаммолар билан боғлиқлиги муҳокама қилинган. Постиндустриал жамиятда камбағалликни аниқлаш тартиби янгича услубда бўлишини таъкидланган ҳамда аҳоли камбағаллигини аниқлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч сўз ва иборалар: ЯИМ, постиндустриал жамият, аҳоли даромади, истеъмоли, жамғармаси, харажати, инвестиция, хизмат кўрсатиш соҳаси, камбағаллик, қашшоқлик, рақобат, коррупция, ресурс.

---

### **МАРДОНОВ Б.Б., АБРУЕВ А.О. ПОРЯДОК ОПРЕДЕЛЕНИЯ БЕДНОСТИ В ПОСТИНДУСТРИАЛЬНОМ ОБЩЕСТВЕ**

В статье авторы указывают, что причины бедности связаны с проблемами в обществе. Отмечается, что процедура определения бедности в постиндустриальном обществе будет по-новому, и предложены рекомендации по определению бедности

Ключевые слова: ВВП, постиндустриальное общества, доходы населения, потребление, сбережения, расходы, инвестиции, сфера услуг, бедность, конкуренция, коррупция, ресурсы.

---

### **MARDODNOV B.B., ABRUEV A.O. THE PROCEDURE FOR DETERMINING POVERTY IN A POSTINDUSTRIAL SOCIETY**

In the article is pointed out that the causes of poverty are associated with problems in society. There is noted that the procedure for determining poverty in a postindustrial society will be in a new way, and developed recommendations for determining poverty.

Key words: GNP, postindustrial society, incomes of the population, consumption, savings, expenditures, investments, service sector, poverty, competition, corruption, resources.

**Кириш.**

Бугунги кунда жаҳонда турли молиявий-иқтисодий ва сиёсий инқирозларнинг кучайиши, турли савдо урушларининг авж олиши натижасида дунё мамлакатлари ўртасида ижтимоий-иқтисодий алоқалар чекланаяпти. Жаҳондаги бу каби салбий ўзгаришлар мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётига салбий таъсир қиляпти, аҳолининг тинч-осуда ҳаётига хавф соляпти. Дунёда бу каби глобал ижтимоий-иқтисодий, трансмиллий муаммолар ўз ечимини топмаса, мамлакатлар миллий иқтисодиётида ЯИМ ўсишининг секинлашуви, аҳоли реал даромадларнинг пасайиши, ишсизликнинг кўпайиши натижасида камбағалликнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Камбағаллик – жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишида катта тўсқинлик қилади. Мамлакатда камбағаллар сонини ортиши иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланилмаётганлигини, тадбиркорлик муҳити яхши йўлга қўйилмаганлигини, ҳукумат қарорлари ижроси таъминланмаётганлигини ҳамда коррупция авж олганлигини билдиради. Умуман олганда камбағалликнинг келиб чиқиш сабабларини жамиятдаги бу каби муаммоларнинг яна бир нечтаси билан боғлаш мумкин. Чунки инсон дунёдаги нотинчлик, фирром рақобат, табиий бойликларни ўзлаштириш учун мамлакатлар ўртасидаги кураш ва коррупция, жамиятдаги тизимнинг ўзгариши мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётига салбий таъсир кўрсатади ва оқибатда аҳолининг маълум қисмини камбағалга айлантиради.

Камбағаллик аввало саводсизликни, жиноятчиликни келтириб чиқаради. Агарда уни ўз вақтида олди олинмаса, жумладан, камбағал кишиларни иш билан таъминлаш уларни бозор иқтисодиётининг салбий таъсиридан ҳимоя қилинмаса мамлакатда юритилаётган сиёсатдан норозилигини билдиради. Шу сабабли ҳам камбағаллик муаммосини ҳал этиш доимо дунё ҳамжамияти эътиборида туради.

Ўзбекистонда илмий адабиётларида, шунингдек, статистик ҳисоботларида камбағаллар тўғрисида ёки айтайлик «камбағаллик» тушунчаси ҳақида маълумотлар деярли юритилмас эди. Мамлакатимизда «камбағаллик» ва «қашшоқлик» тушунчаларининг ўрнига «кам таъминланганлар» тушунчаси ишлатиб келинар эди. Маълумки, Ўзбекистонда аҳолининг кам таъминланган қатлами тўғрисида тушунча ва уни аниқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013

йил 15 февралдаги «Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»<sup>1</sup>ги 44-сон қарори белгилаб берилган. Мамлакатимизда камбағал аҳоли мавжудлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисда қилинган Мурожаатномада биринчи марта расман қайд этилди. Унда айтилишича, «Ҳар қандай мамлакатда бўлгани каби бизда ҳам кам таъминланган аҳоли қатламлари мавжуд. Турли ҳисоб-китобларга кўра, улар тахминан 12-15 фоизни ташкил этади»- дея таъкидлаб ўтдилар<sup>2</sup>. Ўзбекистон камбағаллик муаммосини бартараф этиш учун ҳукумат таркибида Бош вазирнинг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари лавозимини киритилиши ва Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг ташкил этилишида янада яққол кўриш ҳамда мазкур масаланинг нақадар долзарблигини англаш мумкин.

**Илмий муаммой қўйилиши (Scientific problem statement).**

Инглиз ёзувчиси ва шоири Оскар Уайлд камбағаллик бўйича қуйидаги фикрни билдирган:- «Жамиятда бойларга қараганда пул ҳақида энг кўп ўйловчи синф бу – камбағаллардир. Зеро, уларда пулдан бошқа ўйлайдиган нарсанинг ўзи йўқ. Камбағалликнинг муаммоси ҳам айнан шундадир». Баъзи манбаларда эса, «**камбағаллик** – муайян мақбул турмуш даражасини таъмин эта олмасликдир»-дея таъкидланган<sup>3</sup>. Рус олимларидан И.Сидорчук қуйидаги мезонлардан фойдаланган ҳолда камбағалликни аниқлашни таклиф этади<sup>4</sup>: «яшаш жойининг бўлиши, тўлақонли овқатланиш ва ичимлик сувига эгалик, минимал таълим олиш ва соғлиқни сақлаш имкониятининг мавжудлиги». И.Сазанов эса камбағалликни абсолют ва нисбий даражаларда бўлади, - деб ҳисоблайди<sup>5</sup>. Шунингдек, у камбағаллик катего-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 58-80 бетлар.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси

<sup>3</sup> <https://sof.uz/uz/post/kambagallikka-qarshi-qanday-kurashiladi>

<sup>4</sup> Сидорчук И.Б. Критерии бедности и показатели ее определения. <https://cyberleninka.ru/article/n/kriteriibednosti-i-pokazateli-ee-opredeleniya/viewer>

<sup>5</sup> Сазанов И.С. Бедность: Национальные и международные критерии//Челябинский гуманитарий. – 2012, - №3(20). – С.80-84

рияси дастлаб XIX асрнинг охирлари XX асрнинг бошларида инглиз социологлари С.Роунтри ва Ч.Бута томонидан фанга олиб кирилганлигини алоҳида эътироф этади. Ушбу олимлар «яшаш минимуми», «камбағаллик» ва «даромад чега-раси» каби тушунчаларни фанга олиб киришган. Экспертлар камбағалликни аниқлашда озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлар билан таъминланганлиги ва яшаш шароити бўлиши каби мезонлардан фойдаланишни тавсия этади. Ушбу мезонларга жавоб бера олмаслик эса, абсолют камбағалликни англатишини қайд этиб ўтади.

Г.Кошарная ва Л.Каримовалар «Основные подходы к измерению уровня бедности в современной России» деб номланган илмий мақолаларида камбағалликни аниқлашда қуйидаги мезонлардан ҳам фойдаланишни таклиф этади<sup>1</sup>: – «жисмоний ва интеллектуал имкониятлардан тўлиқ фойдаланишини; - истеъмол миқдорини сақлаб қолиниши ва меҳнатга лаёқатли бўлишини».

Шунингдек, покстонлик олимлар М.Маждид ва М.Маликлар камбағаллик тушунчасига берган таърифлари юқорида олимлар томонидан берилган таърифлардан мутлақо фарқ қилади. Уларнинг камбағалликни аниқлаш бўйича ёндашувлари диққатга сазовор. Улар камбағаллик тушунчасига ноанъанавий мазмунда таъриф беришган. Улар асосан камбағалликни аҳолининг саводхонлик даражасига қараб ҳам аниқлаш мумкинлигини эътироф этади<sup>2</sup>.

Баъзи манбаларда - «Камбағаллик – ҳар бир шахс ёки ижтимоий гуруҳнинг яшаши, меҳнат қобилятини сақлаши, авлодни давом эттириши учун зарур бўлган минимал эҳтиёжлар маълум доирасини қаноатлантирмайдиган иқтисодий ҳолатнинг тавсифидир. Камбағаллик нисбий тушунча ҳисобланади ва мазкур жамиятда турмуш даражасининг умумий стандартига боғлиқ бўлади. У - оилани боқиш ва кийинтириш, мактабда ўқиш ёки касалхонада даволаниш, ўз ерида истеъмол маҳсулотларини етиштириш ёки яшаш учун даромади етадиган ишга эга бўлиш, шунинг-

дек, кредитларни олиш ҳуқуқи имкониятларининг йўқлигида намоён бўлади»<sup>3</sup> деб, ҳам таъкидланган.

Бизнинг назаримизда юқорида номлари зикр этилган олимларнинг камбағаллик тушунчасига берган таърифлари ҳамда аниқлаш усуллари тор доирада кўрилган. Дунё мамлакатларида ижтимоий тизимнинг ўзгариши, аҳоли ташқи миграциясида иштирокининг кучайиши (бошқа мамлакатларнинг яшаш тарзини ўрганиш, қўшимча даромад олиш йўлларини излаб топишга бўлган интилиш, фикрлаш даражасини ошириш ва шу кабилар) уларни янгилашга ундайди. Шу сабабли юқорида олимлар томонидан эътироф этилаётган услубда камбағал оилалар сонини аниқлаш яхши самара бермайди.

Мамлакатларда камбағал оилалар сонини аниқлашда аввало оила таркиби, яъни эркак ва аёллар сони, оила бошлигининг ёши, маълумоти, қарамоғидаги болалар ва қариялар сони, ўзи ва уларнинг соғлиги, иш фаолияти ва ойлик маоши миқдори, мулки, турар жойи, томорқадан фойдаланиш ҳолати, коммунал хизматлардан фойдаланиш имконияти, тиббий хизматлардан, мактаб ва боғча хизматларидан фойдаланиш даражаси, шунингдек, бозор ва савдо дўконларидан фойдаланиш имкониятлари, йўл-транспорт инфратузилмаси каби мезонлар билан аниқланса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Камбағалликни аниқлашнинг бу каби мезонларини яна кўп келтириш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам камбағалликни аниқлаш методологиясини ишлаб чиқиш бўйича қуйидаги таклифни киритдилар: «Камбағалликни камайтириш – бу аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, демакдир. Шунинг учун Жаҳон банки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури ва бошқа халқаро ташкилотлар билан бирга Камбағалликни камайтириш дастурини ишлаб чиқишни таклиф этаман. Бу борада халқаро меъёрлар асосида чуқур ўрганишлар ўтказиб, камбағаллик тушунчаси, уни аниқлаш мезонлари

<sup>1</sup> Кошарная Г.Б., Каримова Л.Ф. Основные подходы к измерению уровня бедности в современной России//<https://cyberleninka.ru/article/n/osnovnye-podhody-k-izmereniyu-urovnya-bednosti-v-sovremennoyrossii/viewer>

<sup>2</sup> Majeed M.T., Malik M.N. Determinants of Household Poverty: Empirical Evidence from Pakistan. he Pakistan Development Review 54:4, Part II (Winter 2015) pp. 701–718

<sup>3</sup> Руководство по измерению бедности. ЕЭК, ООН, Нью-Йорк-Женева, 2017 г. с.4

ва баҳолаш усулларини қамраб олган янги методологияни яратиш лозим<sup>1</sup>, деб таъкидланди.

### Тадқиқот методологияси.

Билишнинг аниқ усуллари йиғиндисига таянган ҳолда илмий таҳлиллар, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, тизимли ёндашув, таҳлилнинг мантиқий усуллари ҳамда натижани илмий ўрганиш услубларидан фойдаланилди.

### Таҳлил ва натижалар.

Ҳисоб-китобларга кўра Ўзбекистонда аҳолининг 10-15 фоизи камбағал. Бу жами аҳолининг 4-5 миллион кишисини ташкил этади<sup>2</sup>. Агарда аҳолини турмуш даражасини пост индустриал жамият талаблари асосида камбағаллик мезонини бўйича ҳисобласак аҳолининг деярли кўп қисми камбағал тоифасига кириб қолади. Постиндустриал жамиятда инсон омилига кишилик жамиятининг бошқа турларига қараганда алоҳида эътибор билан қаралади. Шу сабабли камбағалликни аниқлаш мезонларини ишлаб чиқишда юқорида иқтисодчи олимларнинг келтирилган таклифлари постиндустриал жамият талаблари асосида шаклланмаган. Постиндустриал жамиятда камбағалликни аниқлашда инсон манфаатлари, унинг яшаш даражаси, кайфияти, ишдаги шароити ва муҳити, ишнинг оғир ва енгиллик даражаси, иш вақти, бўш вақти, умуман олганда бахтли-саодатли яшашини таъминловчи мезонларни ҳам ҳисобга олиш талаб этилади. Постиндустриал жамиятда инсон манфаати унинг кадр-қиммати аграр ёки индустриал жамиятдагига қараганда анча юқори туради. Аграр жамиятда ёки айтайлик индустриал жамиятда инсонларнинг камбағаллик даражаси озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмолининг рационал истеъмом нормасига таққосланиши билан аниқланган бўлса, постиндустриал жамият шароитида фақатгина озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмом қилиниши билан эмас балки, уларни камолотга эришиш учун турли хизматлардан, жумладан тиббий хизматлар, таълим хизматларидан фойдаланиши билан ҳам, шунингдек, аҳоли даромадларининг неча фоизи жамғараётганлиги билан ҳам аниқланиши керак. Масалан, иқтисодиёти ривожланган Россия Федерациясида аҳоли хизматлар соҳасидан фойдаланиш учун ажратган маблағлари таркибидан соғлиқни сақлаш учун сарфланган

маблағлари 5-15 фоизни ташкил этади<sup>3</sup>. Баъзи мамлакатларда жумладан, АҚШ, Германия, Францияда бундан ҳам зиёд. Шу сабабли юқорида «камбағаллик» тушунчасига берилган муносабатлар ичида покстонлик олимлар М.Мажид ва М.Маликларнинг фикрлари таҳсинга сазовор.

Постиндустриал жамиятда кишиларни моддий эҳтиёжлардан ташқари маънавий эҳтиёжларини қондиришга катта эътибор берилади. Қачонки, кишиларда маънавий бойлик моддий бойликдан устун турса ўшанда кишилар моддий эҳтиёжларини қондириш йўлларини излаб топади. Аксинча бўлса, давлатга ёки бошқа ҳомийларга боқиманда бўлади. ЯИМ ишлаб чиқаришда иштирок этмайди. Шуни ҳам айтиб ўтиш ўринлики, моддий эҳтиёжларни қондиришга қисқа муддатларда эришиш мумкин, аммо маънавий эҳтиёжларини қондириш узоқ муддатни талаб этади. Шунинг учун камбағалликни аниқлаш мезонларини ишлаб чиқишда уларни маънавий эҳтиёжларини қондириш даражаларини ҳам алоҳида инобатга олиш мақсадга мувофиқдир.

Постиндустриал жамиятда аҳоли даромадларининг неча фоизини жамғараётганга қараб ҳам кишилар камбағаллигини аниқлаш мумкин. Жамғарма категорияси мамлакат иқтисодиётида муҳим роль ўйнайдиган асосий элемент ҳисобланади. Жамғарма аҳоли томонидан фойдаланилмаган ёки келажакда катта миқдорда бирон-бир соҳани жадал ривожланиши учун сарфланадиган катта бойлик ҳисобланади. Чунки жамғарма аҳоли даромадини моддий ва номоддий эҳтиёжларни қондиришдан ортган қисми ҳисобланади. Агарда аҳоли жамғармаси қанчалик кўп ортса, аҳоли моддий фаровонлиги яхшиланиб бораётганлигидан далолат беради. Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда аҳоли ўз даромадларининг 24-26 фоизини жамғаради<sup>4</sup>.

Постиндустриал жамиятда камбағал оилаларни аниқлаш бўйича таклиф этилаётган усулни амалда татбиқ этиб кўрдик. Аммо таҳлиллар Ўзбекистонда аҳолини соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланилмаётганлигини кўрсатди 1-жадвал маълумот-

<sup>3</sup> Источник: Потребительская корзина на 2019 год: состав сайт bs-life.ru

<sup>4</sup> Тухтарова Е. Структурные изменения в глобальном механизме «Потребление-Сбережения» Стратегическое планирование – важный фактор стабильности устойчивого социально-экономического развития страны и регионов: материалы Форума экономистов/под общей редакцией. Т.Ахмедова. / Ташкент: IFMR, 2019. С.223.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://uza.uz/oz/politics/>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси



**1-жадвал. Самарқанд шаҳридаги хусусий клиникаларнинг хизмат кўрсатиш нархлари<sup>1</sup>**

№	Самарқанд шаҳридаги хусусий клиникалар			
	«А»		«D»	
	Хизматлар номи	Нархи, минг сўм	Хизматлар номи	Нархи, минг сўм
1	МРТ гипофеза	240,0	МРТ гипофеза	274,0
2	МРТ орбит	240,0	МРТ орбит	274,0
3	МРТ головногога мозга	240,0	МРТ головногога мозга	228,0
4	МРТ груди позвоночника	250,0	МРТ груди позвоночника	274,0
5	МРТ плечевого сустав	260,0	МРТ плечевого сустав	274,0
6	МРТ коленного сустав	260,0	МРТ коленного сустав	274,0
7	МРТ мягких тканей конечностей	300,0	МРТ мягких тканей конечностей	274,0
8	МРТ шейного отдела позвоночника	240,0	МРТ шейного отдела позвоночника	248,0
9	Вирусний гепатит В	172,0	Вирусний гепатит В	180,0
10	Вирусний гепатит С	250,0	Вирусний гепатит С	240,0

ларида Самарқанд шаҳридаги «А» ва «D» хусусий клиникаларининг тиббий хизматлар нархи келтирилган. Унда биргина «МРТ головногога мозга» текшируви 240,0 минг сўмни ташкил этади. «D» хусусий клиникасида ушбу хизмат турининг нархи 228,0 минг сўм. Ваҳоланки шифокорнинг кўриги, муолажаси, маслаҳати ҳам алоҳида ҳисобланади. Демак, кишилар ўз танасининг бир қисмини текшириши учун камида 240,0 минг сўм сарфлайди. Агарда бемор танасининг икки жойини текширадиган бўлса, қарийб 500,0 минг сўм сарфлайди. Тахминий ҳисобимизга кўра шифокорнинг муолажаси ва хизматларини қўшиб ҳисоблаганда бир бемор ушбу клиникада камида 800,0-1000,0 минг сўм сарфлашга тўғри келади. Агар кишини ўртача номинал иш ҳақи 3008,2 минг сўмни ташкил этса<sup>2</sup> унинг 33,2 фоизини (1000,0 минг сўм/3008,2 минг сўм \*100%) фақатгина тиббий хизмат учун сарфлашга тўғри келади. Борди-ю, у оила аъзоларини яна бирор кишисини даволатмоқчи бўлса, иш ҳақининг қарийб 50,0 фоизи тиббий хизматлар учун сарфланади. Демак, унинг кейинги маошига қадар оилавий бюджети танқисликка учрайди. Шу сабабли аҳоли даромадларидан жуда кам миқдорда соғлиқни сақлаш хизматига ажратади.

Масалан аҳоли харажатлари таркибида соғлиқни сақлаш харажатлари, таълим харажатларини таҳлил қилганимизда уларнинг улуши бошқа ривожланаётган мамлакатларга қараганда

қарийб 10 мартага кам (2-жадвал). 2-жадвал маълумотларига қараганда аҳолининг умумий харажатлари таркибида соғлиқни сақлаш хизматларининг улуши атиги 1,4 фоизни ташкил этади. Ушбу кўрсаткич айрим ривожланаётган мамлакатларда масалан, Россия Федерациясида 5-15 фоиз атрофида бўлиш тавсия этилган<sup>3</sup>. Шу нуқтаи назардан қараганда мамлакатимиз аҳолиси соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланиш даражаси анча паст.

Хизмат кўрсатиш соҳасида таълим тармоғининг ривожланиши ҳам камбағалликни камайтиришга ёрдам беради. Олимлар таъкидлаганидек, олий таълим олганлик камбағаллик ва минимал қашшоқликдан сақланишга ёрдам беради<sup>4</sup>. Аммо Ўзбекистонда ушбу кўрсаткич ҳам ривожланган мамлакатлар даражасидан анчага кам. Мамлакатимизда олий маълумотли ходимлар сони умумий аҳолининг 16,2 фоизини ташкил этади<sup>5</sup>. Ушбу кўрсаткич 2000 йилда 6,5 фоиз бўлган. 17-18 йил ичида олий маълумотли ходимларнинг 10 фоизга ошиши жуда кам. Чунки, ривожланган мамлакатларда олий маълумотлилар жами аҳолисининг 50 фоизидан кам эмас. Масалан, Канадада олий маълумотлилар жами аҳоли сонининг 52,6 фоизини,

<sup>3</sup> Потребительская корзина на 2019 год: состав сайт bs-life.ru

<sup>4</sup> Рахмонов Д.А. Камбағаллик – макроиқтисодий барқарорлиқнинг долзарб муаммоси. “Янги Ўзбекистон иқтисодиётининг макроиқтисодий барқарорлигини таъминлаш: муаммолар, таҳлилар ва натижалар” Онлайн илмий-масофавий конференция тезислар тўплами. Тошкент-2020 й. 18-19 бет.

<sup>5</sup> Ўзбекистонда ижтимоий ривожланиш ва турмуш даражаси. Статистик тўплам Т.: 2018.-Б. 54.

<sup>1</sup> Хусусий клиникалар маълумотлари асосида тайёрланди. Хусусий клиникалар номлари шартли белгиланди.

<sup>2</sup> Ўзбекистонда ижтимоий ривожланиш ва турмуш даражаси. Статистик тўплам. Т.: 2020 й., 57 б.

2-жадвал. Ўзбекистонда 2018 йилда аҳоли истеъмол харажатлари таркиби<sup>1</sup>

Кўрсаткичлар	Фоиз, %	
Хизмат кўрсатиш соҳаси	Коммунал хизматлари	6,9
	Таълим олиш хизматлари	2,5
	Соғлиқни сақлаш хизматлари	1,4
	Алоқа ва транспорт хизматлари	5,9
	Бошқа хизматлар	3,3
Озиқ-овқат маҳсулотлари	Озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олишга	44,3
	Уйдан ташқарига фойдаланишга	2,4
	Алкогол ичимдиклари	0,5
Ноозиқ-овқат маҳсулотлари	Кийим кечак ва оёқ кийимларига	1,7
	Маиший техника ва электроника	0,9
	Бошқа ноозиқ-овқат маҳсулотларига	3,3
Жами	100,0	

Россия Федерациясида 53,5 фоиз, Япония ва Исроилда 46,6 фоизни ташкил этади<sup>2</sup>.

Шунингдек, тадқиқотларимиз Ўзбекистонда ЯИМнинг 75 фоизи, ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 85 фоиздан ортиқроғи шаҳарлар ҳиссасига тўғри келишини аниқлади. Мамлакатимиз бўйича кўрсатилаётган ахборот-коммуникация хизматларининг 99,1 фоизи, молиявий хизматларнинг 98,3 фоизи, таълим хизматларининг 80,8 фоизи ва тиббий хизматларнинг 71,9 фоизи шаҳарлар ҳиссасига тўғри келади<sup>3</sup>. Демак маълумотлар, қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳаси ҳали ҳам етарли даражада ривожланмаганлигини кўрсатяпти. Ваҳоланки қишлоқ жойларида аҳолининг 49,4 фоизи истиқомат қилади<sup>4</sup>. Улар хизмат кўрсатиш соҳасининг тиббиёт, таълим, молия ва шу каби бошқа тармоқларда самарали фойдаланиши учун шаҳар марказларига келмоқда. Токи хизмат кўрсатиш соҳаси қишлоқ жойларида ривожланмас экан аҳолини камбағаллик муаммосидан батамом қутилиш имкони бўлмайд.

### Хулоса ва таклифлар.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, постиндустриал жамиятда аҳолини камбағаллик муаммосидан қутилиш эҳтимоли жуда катта. Чунки, постиндустриал жамиятда ҳар бир кишини

хизмат кўрсатиш соҳасида банд этиш мумкин. Бирлашган миллатлар ташкилотининг 2030 йилга мўлжаллаган тараққиёт дастурида хизмат кўрсатиш соҳаси қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш ва камбағалликни барҳам беришда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланган. Шунингдек, Халқаро меҳнат ташкилоти тадқиқотларида сервис индустриясининг 1 фоизга ўсиши камбағаллар сонини 1,5 фоизга қисқаришини аниқланган.

Постиндустриал жамиятда аҳоли камбағаллигини аниқлаш учун қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

Биринчиси, аҳоли истеъмол харажатлари таркибида хизмат кўрсатиш соҳасининг таълим, соғлиқни сақлаш, туризм ва спорт, алоқа ва коммуникацион технологиялардан фойдаланиш учун сарфлари миқдорига қараб аниқлаш;

Иккинчиси, аҳоли даромадларини неча фоизи жамғарилаётганига қараб аниқлаш;

Учинчиси, аҳоли хордиқ чиқариши учун ажратётган бўш вақтига қараб ҳам камбағалликни аниқлаш;

Тўртинчиси, ҳудудларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш. Ушбу дастурни ишлаб чиқишда ҳудудлардаги инвестицион лойиҳаларни айнан қишлоқ жойлари учун хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожланишига алоҳида эътибор бериш.

Ушбу таклифлар постиндустриал жамиятда амал қилиниши аҳолини камбағаллик гирдобига тушмаслик имконини беради.

<sup>1</sup> tur-dar-17uz1.pdf Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

<sup>2</sup> <https://tileinfo.ru/naseleniya-s-vysshim-obrazovaniem-strany-s-samym-vysokim-urovнем/>. (Мурожаат қилинган сана: 15.02.2020 й.)

<sup>3</sup> <https://stat.uz/uz/438-biulleteny-uz/2813-sanoat-ishlab-chiqarish>

<sup>4</sup> Ўзбекистонда ижтимоий ривожланиш ва турмуш даражаси. Статистик тўплам. Т.: 2020 й. – 36 бет.

**Фойдаланилан адабиётлар рўйхати:**

1. Кошарная Г.Б., Каримова Л.Ф. Основные подходы к измерению уровня бедности в современной России//<https://cyberleninka.ru/article/n/osnovnyye-podhody-k-izmereniyu-urovnya-bednosti-v-sovremennoyrossii/viewer>
2. Majeed M.T., Malik M.N. Determinants of Household Poverty: Empirical Evidence from Pakistan. *he Pakistan Development Review* 54:4, Part II (Winter 2015) pp. 701–718
3. Рахмонов Д.А. Камбағаллик – макроиқтисодий барқарорликнинг долзарб муаммоси. “Янги Ўзбекистон иқтисодиётининг макроиқтисодий барқарорлигини таъминлаш: муаммолар, таҳлиллار ва натижалар” Онлайн илмий-масофавий конференцияси тезислар тўплами. Тошкент-2020 й. 18-19 бет.
4. Сидорчук И.Б. Критерии бедности и показатели ее определения. <https://cyberleninka.ru/article/n/kriteriibednosti-i-pokazateli-ee-predeleniya/viewer>
5. Сазанов И.С. Бедность: Национальные и международные критерии//Челябинский гуманитарий. – 2012, - №3(20). – С.80-84.
6. Мухаммедов М.М.Мардонов Б.Б. Хизмат кўрсатиш соҳасида аҳоли бандлиги ва даромадлари. Монография. “Инновацион ривожланиш нашриёт – матбаа уйи”. 2021. 186 б.